

Фикҳ дарслари (110-дарс). Ортган сувнинг ҳукми



13:00 / 12.11.2020 3712

(иккинчи мақола)

2. Йиртқич ҳайвонларники нажасдир.

Шер, қоплон, йўлбарс, бўри, тулки, чиябўри, ит, чўчқа, фил, маймун каби ҳайвонлардан ортиб қолган сув ва бошқа нарсалар ғализ нажосат ҳисобланади. Уларни мутлақо ишлатиб бўлмайди. Бунинг ҳукми худди ўлимтикнинг ҳукмига ўхшайди. Фақат зарурат юзасидан, ноилож қолгандагина ишлатса бўлади.

Далиллар:

Аллоҳ таоло Анъом сурасида:

«Сизлардан бирортангизнинг идишини ит яласа, ундаги нарсани тўкиб юборсин. Сўнгра у(идиш)ни етти марта ювсин», дедилар».

Бошқа бир ривоятда: «У(ювиш)лардан биринчиси ёки у(ювиш)лардан биттаси тупроқ билан бўлсин», дейилган.

Яна бошқа ривоятда: «Еттинчиси тупроқ билан бўлсин», дейилган.

Бешовлари ривоят қилишган.

Йиртқич ҳайвонларнинг гўшти ҳаром бўлгани учун ўша гўшдан пайдо бўлган сўлак ва у теккан ҳар бир нарса ҳам нажас ҳисобланади.

3. Мушук, қўйиб юборилган товуқ, йиртқич қушлар ва уйлардан маскан оладиган сичқон, калтакесак каби ҳайвонларники макруҳдир.

Қўйиб юборилган товуқ нажосатли нарсаларни ейди. Бунга ёввойилашиб кетиб, нажосатларни ейишга одатланган сигир ва туялар ҳам қўшилади. Мазкур нарсалар, йиртқич қушлар ва мушук, сичқон, илон каби уйларда учраб турадиган ҳайвонлардан ортган сув макруҳдир. Бошқа сув бўлмаган ҳолатдагина буларни ишлатса бўлади.

Далил:

???? ????????? ??????? ??????? ??????? ??????? ?????????

????????: ??????? ??????? ????????????? ?????????????

???????????? ????????????? ????????? ????????????????? ?????????

???????????? ??????? ????????????????? ????????? ?????????????

???????????? ????????????? ????????????? ??????????:

???????????????????? ??? ????????? ????????? ?????????????: ?????????

??????: ?????? ?????????? ?????? ??? ?????? ?????? ??????

?????: «????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????

????????????????? ?????????????? ??????????????????????».

????????? ?????????????? ??????????????.

Кабша бинти Каъб розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«У киши айтадилар:

«Абу Қатода (уйимизга) кирди. Мен унинг таҳоратига сув қуйиб бердим. Шунда бир мушук келиб, ундан ичди. У эса унга ичиб олиши учун идишни энгаштириб тутди. Шунда у ўзига қараб турганимни кўрди ва:

«Эй биродаримнинг қизи, ажабланияпсанми?» деди. Мен:

«Ҳа», дедим. У:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, у (мушук) нажас эмас, у сизларнинг атрофингизда айланиб юрувчилардандир», деганлар», деди».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Шу билан бирга, ушбу ва бошқа ҳадисларда мушук теккан сув ҳақидаги ривоятлар маълум ҳолатларга асослангани ҳамда мушук сичқон ва унга ўхшаш нарсаларни ейиши эътиборидан уламоларимиз мушук теккан сувни макруҳ деганлар. Яъни «Агар мушук теккан сувдан бошқа сув бор бўлса, ўша бошқа сувда таҳорат қилган яхшироқ», деганлар.

Бу ҳукмга кирган барча ҳайвон ва қушлар мушукка қиёс қилинган.

4. Эшак ва хачирники шаклидир. (Таҳорат олувчи) ундан бошқасини топа олмаса, ундан таҳорат қилиб, кейин таяммум ҳам қилади.

Эшак ва хачир ҳаром бўлса ҳам, уй ҳайвонидир. Улар сувга тегиб қўйиши эҳтимоли кўп бўлганидан, кишиларга осонлик туғдириш учун уларнинг бу борадаги ҳукми бир оз енгиллаштирилган. Шу билан бирга, уларнинг

ҳукми сичқон, мушук каби уйларда учрайдиган кичик ҳажмли, ҳамма ерга кириш имконига эга бўлган ҳаром ҳайвонларнинг ҳукмидан бир оз оғирлаштирилган. Яъни улардан қолган сувдан таҳорат қилган киши таяммум ҳам қилиши лозим бўлади.

5. Тер ҳам ортган сувга ўхшайди.

Қайси нарсадан қолган сув пок бўлса, унинг тери ҳам пок бўлади. Қайси нарсадан қолган сув нажас бўлса, унинг тери ҳам нажас бўлади. Қай нарсадан қолган сув макруҳ бўлса, унинг тери ҳам макруҳ бўлади. Қай нарсадан қолган сув шакли бўлса, унинг тери ҳам шакли бўлади.

(Тамом)

«Кифоя» китобидан